

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХОРАЗМ ВИЛОЯТ СУДИ  
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

2018 йил 17 август куни жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг кассация инстанцияси судлов хайъати, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг раиси Б.Умаров, судлов хайъат судьялари Р.Камалова ва Ш.Раззаковдан иборат таркибда, Н.Юлдашеванинг котибалигида, тарафлардан Хоразм вилоят прокуратурасининг бўлим прокурорлари И.Рўзимов, Ш.Исмаилов ва С.Бобожонов, судланган Б.Сабиров ва унинг ҳимоячиси адвокат Ғ.Маматовнинг иштирокида, судининг 2016 йил 26 декабрдаги ҳукмига кўра,

Сабиров Баҳодир Хайитбоевич (Sabirov Bahodir Xayitboyevich), 1965 йил 12 июлда Хоразм вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзанди бор, “Журат Али Транс” МЧЖ раҳбари, судланмаган, Қўшқўпир тумани, Янгилик қишлоғи, “Янгилик” маҳалласида яшайди, 22.10.2016 йилдан “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланиб;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “г” банди, 228-моддаси 1-қисми ҳамда 228-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Отажанов Назирбай (Otajanov Nazirbay) 1955 йил 19 мартда Хива туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 3 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, муқаддам 1) жиноят ишлари бўйича Шовот туман судининг 5.01.2014 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “в” банди ва 209-моддаси 2-қисми “б” банди билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва 1 йил муайян ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 2) жиноят ишлари бўйича Хива туман судининг 05.10.2015 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57,59-моддаси 8-қисмини қўллаб, 18.876.000 сўм жарима жазоси ва ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Хива туман судининг 9.02.2016 йилдаги ажримига кўра, 03.12.2015 йилдаги “амнистия” актининг 1-банди “в” кичик бандига асосан жазодан озод қилинган, Хива туманидаги “Рахмат” хусусий корхонаси норасмий раҳбари, нафақахўр, Хива тумани Шомохулум қишлоғи “Чанашиқ” маҳалласида яшайди, 24.10.2016 йилда “гаров” эҳтиёт чораси қўлланиб,

ЖКнинг 192<sup>9</sup>-моддаси 1-қисми, 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 9.116.800 сўм жарима жазосига судланган.

Отажанов Дилшод Назирбаевич (Otajanov Dilshod Nazirbayevich) 1985 йил 20 майда Хива туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, Хива туманидаги “Рахмат” хусусий корхонаси раҳбари, судланмаган, Хива тумани Шомохулум қишлоғи “Чанашик” маҳалласида яшайди, 2016 йил 24 октябрь куни “гаров” эҳтиёт чораси қўлланиб;

ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ҳамда 228-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланганга нисбатан чиқарилган ҳукм устидан Б.Сабилов томонидан келтирилган кассация шикоятига асосан жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

#### А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ҳукмига кўра, Б.Сабилов 20.12.2010 йилдан “Журат Али Транс” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, Қўшқўпир туман “Ободонлаштириш” бошқармаси билан 10.03.2014 йилда тузилган 2-сонли пудрат шартномасига асосан туманнинг “Ғозовот” қишлоғи “Янгилик” маҳалласининг ички хўжалик 0.5 км йўлни жорий таъмирлаш учун объектга 12.03.2014 йилдаги тузилган 8-сонли шартномага асосан Қўшқўпир ТЙХПТФКга қарашли асфальтобетон заводида асфальтобетон маҳсулотларига меъёрий ҳужжатларда белгиланган қоришмаларни етарли даражада қўшмасдан тайёрлатиб, ушбу асфальтобетон маҳсулотларини объектга ётқизганлиги натижасида 11.483.578 сўмлик ҳамда объектга асфальтобетон маҳсулотини ётқизишда сметада кўрсатилган 13 тонналик каток ўрнига, ҳақиқатда 8 тонналик каток ишлатиб, объектда бажарилган ишлар юзасидан тузиладиган Ф-2 ҳужжатларига 13 тонналик каток ишлатганлиги тўғрисида сохта маълумотлар киритиб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириб, фойдаланиши натижасида 6.677.671 сўм жами 18.161.249 сўмлик маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда;

Шунингдек, Н.Отажанов ўғли Д.Отажанов раҳбарлик қилиб келаётган “Рахмат” хусусий корхонасини норасмий равишда бошқариб келиб, «Yo'lchi Tex Servis” МЧЖ лаборатория бўлими бошлиғи С.Кўчқаровга “Рахмат” хусусий корхонаси томонида туманнинг “Ҳадра” қишлоғидаги 294-метр йўлни таъмирлашда ётқизилган асфальтобетон маҳсулотини экспертиза қилинганда сифатидан камчилик топмасдан, ушбу асфальт маҳсулоти давлат стандартларига жавоб бериши тўғрисидаги хулосани ёздириб олиш учун пора тариқасида 500 минг сўм пулларни бериб, С.Кўчқаровни пора эвазига оғдириб олиш жиноятини қасддан содир қилганликда;

Бундан ташқари, Н.Отажанов ўғли Д.Отажанов раҳбарлик қилиб келаётган “Рахмат” хусусий корхонасини норасмий равишда бошқариб келиб, ўғли Д.Отажанов ва Хива туман ҳокимлиги хузуридаги “Ободонлаштириш”

бошқармаси техник назоратчи М.Отабаев, Кўшкўпир туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ободонлаштириш” бошқармаси техник назоратчи О.Отаниязов ҳамда Ф.Сабиоровлар билан тил бириктириб, гуруҳ бўлиб, Хива туманидаги Шомохулум қишлоғи “Сапча” маҳалласидаги 0,566 км. ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш объектда ишлатилган асфальтобетон қоришмаси таркибига меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган чақилган тош (5-20), (битум маҳсулоти) кам қўшганлиги натижасида ҳамда иш ҳажмида фарқ бўлиши сабабли 12.723.502 сўмлик, Хива шаҳар, “Янги хаёт” маҳалласи Й.Охунбобоев 0,235 км. ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш объектида 13.264.807 сўмлик, Хива тумани, “Шомохулум” қишлоғи “Чанашиқ” маҳалласи 53-сон мактаб йўлидаги 0,444 км. ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш объектида 14.677.393 сўмлик, Хива тумани, “Саёт” қишлоғи “Чинобод” маҳалласи 17-сон мактаб йўлидаги 0,645 км ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш объектида 15.525.161 сўмлик, Хива тумани “Мевастон” маҳалласидаги Р.Аллаберганов ва М.Бобожонов кўчаларини жорий таъмирлаш объектида 4.627.590 сўмлик, Хива тумани, “Эски қиёт” қишлоғи “Аваздунақ” маҳалласидаги 0,883 км намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жой кўчалари объектида 8.071.384 сўмлик, Кўшкўпир тумани, Хадра қишлоғи “Ўрта қишлоқ” маҳалласининг 0,290 км ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш объектида 13.589.799 сўмлик, Кўшкўпир тумани, марказидаги Ш.Рашидов кўчасини 0,05 км жорий таъмирлашда 6.213.832 сўмлик, “Раҳмат” хусусий корхонаси томонидан Хива туманида жойлашган “Сиёвуш” МЧЖга сотилган асфальтобетон қоришмаси таркибига меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган материаллар кам қўшганлиги натижасида 12.703.413 сўмлик ёки жами 101.396.881 сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлар.

Шунингдек, Н.Отажанов ўғли Д.Отажанов раҳбарлик қилиб келаётган “Раҳмат” хусусий корхонасини норасмий равишда бошқариб келиб, ўғли Д.Отажанов билан олдиндан тил бириктириб, гуруҳ бўлиб, Хива туманидаги ички хўжалик йўлларида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида Хива туманидаги Шомохулум қишлоғи “Сапча” маҳалласидаги 0,566 км ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш объектда 392.051 сўмлик, Хива тумани “Мевастон” маҳалласидаги Р.Аллаберганов ва М.Бобожонов кўчаларини жорий таъмирлаш объектида 3.424.320 сўмлик, Хива тумани, Саёт қишлоғи “Чинобод” маҳалласи 17-сон мактаб йўлидаги 0,645 км ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш объектида **3.776.322 сўмлик** ёки жами 7.592.693 сўмлик бажарилмаган (асфальтобетон ётқизиш) ишлар ҳажминини қўшиб ёзиб, ортиқча кўрсатиб, такроран ҳужжатларга сохта ёзувлар ва маълумотлар киритиб, ҳужжатларни сохталаштириб, бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлар.

Бундан ташқари, Н.Отажанов жинойт содир қилиш йўлига ўтиб, ўғли Д.Отажанов раҳбарлик қилиб келаётган “Раҳмат” хусусий корхонасини норасмий равишда бошқариб келиб, ўғли Д.Отажанов билан олдиндан тил бириктириб, гуруҳ бўлиб, “Раҳмат” хусусий корхонаси томонидан Хива туманидаги 3 та объектда жорий таъмирлаш ишлари юзасидан тузиладиган Ф-2 ҳужжатларига аслида 15 млн. 906 минг 964 сўмлик бажарилмаган

(асфальтобетон ётқизиш) ишлар ҳажмини кўшиб ёзиб, ортиқча кўрсатиб, такроран ҳужжатларга сохта ёзувлар ва маълумотлар киритиб, ҳужжатларни қалбакилаштириб, ушбу ҳужжатларнинг қалбаки эканлигини била туриб, улардан фойдаланиш жиноятини қасддан содир қилганликда айбланган.

Мазкур ҳукм билан М.Атабаев, Ф.Сабилов, С.Авазбердиев, К.Сапарбаев ва О.Отаниёзовлар ҳам судланган бўлиб, ҳукмнинг уларга оид қисми бўйича касация протести ёки шикоят келтирилмаганлиги сабабли ишнинг уларга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Судланган Б.Сабиловнинг касация тартибида келтирган шикоятда, жиноят иши қонун талабларига зид равишда қўзғатилганлигини, тергов ва суд жараёнида келтирган илтимосномалари асосиз равишда рад этилганлигини, жамиятда ноқонуний текшириш ўтказилиб, қонун талаблари бузилганлигини, мутахассислиги бўлмаган ходим томонидан текшириш ўтказилганлигини, етарли далилларсиз айбланганлигини инобатга олиб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Ш.Раззаковнинг маърузасини, прокурор С.Бобожоновнинг шикоятни қаноатлантирмай суднинг ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, судланган Б.Сабилов ва унинг ҳимоячиси адвокат Ғ.Маматовнинг касация шикоятини қувватлаб берган фикрларини эшитиб, касация шикоятдаги важларни жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан биргаликда ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра шикоятни қисман қаноатлантириб, суднинг ҳукмини ўзгартиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 07-сонли қарорининг 4-бандида иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, [ЖПКнинг 95-моддасига](#) мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги шунингдек, иш бўйича жиноят содир қилганликда бир нечта судланувчилар айбланаётган ёки судланувчи бир нечта жиноятларни содир қилганликда айбланаётган бўлса, суд ҳукмида ҳар бир судланувчига нисбатан ҳамда ҳар бир айблов бўйича далиллар келтириши ва таҳлил қилиб чиқиши ҳамда хулоса қилиши зарурлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ушбу Пленум қарорининг 9-бандида агар ижтимоий хавfli қилмиш факти ва оқибатининг келиб чиққанлиги аниқланган бўлиб, бироқ суд муҳокамасида тақдим қилинган ва текширилган далиллар билан унинг судланувчи томонидан содир этилганлиги инкор этилса ёки ўз тасдиғини топмаса, суд шахсининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқаради ([ЖПК 83-модда](#) 3-банди)га асосан оқлов ҳукми чиқарилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Касация судлов ҳайъати қуйидагиларга асосан судланган Б.Сабиловга нисбатан қўйилган айбловнинг, яъни Қўшқўпир туман “Ободонлаштириш” бошқармаси билан 10.03.2014 йилда тузилган 2-сонли пудрат шартномасига

асосан туманнинг “Ғозовот” қишлоғи Янгилик маҳалласининг ички хўжалик 0.5 км йўлни жорий таъмирлаш учун объектга 12.03.2014 йилдаги 8-сонли шартномага асосан Кўшкўпир ТЙХПТФКга қарашли асфальтобетон заводида асфальтобетон маҳсулотларига меъёрий ҳужжатларда белгиланган қоришмаларни етарли даражада қўшмасдан тайёрлатиб олиб, ушбу асфальтобетон маҳсулотларини объектга ётқизганлиги натижасида жами 11.483.578 сўмлик маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда деган айб эпизоди судда ўз исботини топмади деб ҳисоблаб, Б.Сабиловни ушбу айб эпизодини оқлашни лозим топади.

Чунки, Ўзстандарт агентлигининг 2015 йил 11 декабрдаги 697-сонли буйруғи билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2015 йил 30 декабрда 2748-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Мувофиқликни баҳолаш соҳасида ходим сифатида иштирок этишга талабгор бўлган мутахассисларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-бандида ходимлар –мувофиқликни баҳолашга доир ишларни амалга ошириш учун тайёргарликка ва малакага эга бўлган сертификатлаштирилган мутахассислар эканлиги қайд қилинган.

Иш ҳолатига кўра, МХХ Хоразм вилоят бошқармасининг 18.07.2016 йилдаги хатига асосан, “YOLCHI TEX SERVIS” МЧЖ қошидаги синов лабораторияси, “Журат Али Транс” МЧЖ томонидан Хоразм вилояти, Ғозовот қишлоғи, Янгилик маҳалласига ётқизилган “иссиқ, майда донали, зич, Б типдаги, II маркали асфальтобетон қоришмаси”нинг донадорлик таркиби ва битум миқдори бўйича, 27.07.2016 йилда 15/07 ва 17/07-сонли синов баённомалари расмийлаштириб, текшириш натижасига кўра, “Журат Али Транс” МЧЖ раҳбари Б.Сабилов Кўшкўпир ТЙХПТФКга қарашли асфальтобетон заводида асфальтобетон маҳсулотларига меъёрий ҳужжатларда белгиланган қоришмаларни етарли даражада қўшмаганлиги натижасида 11.483.578 сўм маблағларини ўзлаштирилганлиги ҳақида хулосага келинган.

Кассация суд мажлисида судланган Б.Сабилов, “YOLCHI TEX SERVIS” МЧЖ томонидан ноқонуний текшириш ўтказилиб, хулоса берилганлиги натижасида айбланганлигини, бироқ, жамиятни текшириш ваколати йўқлигини, шундай бўлсада, хулоса бериб, қонун талабларини бузганлигини, тергов ва суд томонидан ушбу ҳолатлар текширилмаганлигини кўрсатди.

Кассация суд мажлисига тақдим қилинган Наманган вилоят мустақил синов лабораториялари уюшмасининг 22.06.2018 йилдаги 11-сонли эксперт хулосасига кўра, “YOLCHI TEX SERVIS” МЧЖнинг синов лабораторияси маҳсулотлар ва бажарилган ишларнинг стандартлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда бошқа техник жиҳатдан тартибга солиш ҳужжатларига мувофиқлигини синовлар билан баҳолаш ваколати ва ҳуқуқлари мавжуд эмаслигини шунингдек, “YOLCHI TEX SERVIS” МЧЖнинг синов лабораторияси томонидан берилган синов баённомасини имзолаган лаборант М.Султонов ва лаборатория бошлиғи С.Кўчқаровлар мувофиқликни баҳолашга доир ишларни амалга ошириш учун тайёргарликка ва малакага эга бўлган сертификатлаштирилган мутахассислар эмаслиги қайд қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарорининг 8-бандида, агар мансабдор шахс ўзи содир этган талон-торож жиноятини енгиллаштириш ёки яшириш мақсадида расмий ҳужжатларга била туриб ёлғон маълумотлар ва ёзувлар киритган бўлса, унинг қилмиши тегишинча **ЖК 167** ва **209-моддаларида** ёки **ЖК 167** ва **228-моддаларида** назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинмоғи кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш материалларида, “Хоразмавтойўл” ХЙФТ ташкилоти томонидан 21.10.2016 йилда тузилган қўшимча далолатномада, Қўшқўпир тумани, “Ғозовот” қишлоғи, “Янгилик” маҳалласи ички хўжалик автомобиль йўлининг жорий таъмирлаш объектида пудратчи корхона “Журат Али Транс” МЧЖ томонидан янги материал қўшмасдан йўл профилини тўғрилаш иш ҳажмларини бажаришда 13 тонна каток (46,13м/соат, бирлик баҳоси 123725 сўм) пудратчининг ҳаражатлари билан биргаликда жами 6.677,671 сўмлик иш ҳажмлари бажарилмаганлиги қайд қилинган.

Юқоридагиларга асосан биринчи босқич суди Б.Сабиловнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “г” банди ҳамда 228-моддаси 1-қисми тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Лекин 228-моддаси 3-қисми билан ортикча квалификация қилинган деб ҳисоблаб, унинг айбидан 228-моддаси 3-қисми билан қўйилган айбловни ва шу модда билан тайинланган жазони чиқаришни лозим топади.

Иш ҳолатига кўра, Б.Сабилов Қўшқўпир туман “Ободонлаштириш” бошқармаси билан 10.03.2014 йилда тузилган 2-сонли пудрат шартномасига асосан туманнинг “Ғозовот” қишлоғи Янгилик маҳалласининг ички хўжалик 0.5 км йўлни жорий таъмирлашда, яъни асфальтобетон маҳсулотини ётқизишда сметада кўрсатилган 13 тонналик каток ўрнига, ҳақиқатда 8 тонналик каток ишлатиб, объектда бажарилган ишлар юзасидан тузиладиган Ф-2 ҳужжатларига 13 тонналик каток ишлатганлиги тўғрисида сохта маълумотни киритиб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириб, ўзи томонидан фойдаланиши натижасида 6.677.671 сўмлик маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Қонун талабига кўра, била туриб қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси **ЖКнинг** 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган мустақил жиноят таркибини вужудга келтиради.

Жиноий жазоланадиган ҳужжатларни қалбакилаштириш қалбаки ҳужжатларнинг айбдор томонидан фойдаланилиши айнан улардан фойдаланиш мақсадларида содир этилганлиги боис **ЖК 228-моддаси** 1-қисми билан қамраб олинади ва **ЖК 228-моддаси** 3-қисмига кўра қўшимча баҳолаш талаб қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 11-сонли қарорининг 18-бандида **ЖПК 482-моддасига** мувофиқ кассация инстанцияси суди шикоят (протест)да баён этилган важлар билангина

чегараланмасдан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўла ҳажмда (тафтиш тартибида) текширишга мажбур.

Иш бўйича бир неча маҳкум (оқланган шахс) ўтган бўлиб, ҳукм устидан улардан айримлари шикоят берган ҳолларда ҳам, кассация инстанцияси судида иш барча маҳкумларга (оқланган шахсларга) нисбатан кўрилади. Бироқ, агар бу маҳкум (оқланган шахс) аҳволининг оғирлашувига олиб келса, прокурор протести ёки жабрланувчининг шикояти бўлмаган ҳолларда, суд шикоят (протест)да келтирилган важлар доирасидан четга чиқишга, шунингдек кассация шикояти бермаган маҳкумлар (оқланган шахслар)га нисбатан ишни кўришга ҳақли эмас (ЖПК 494-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари)лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Қайд қилинган асосларга кўра, суднинг ҳукми билан судланган Н.Отажанов ва Д.Отажановларга оид қисмига кассация протести ёки шикояти келтирилмаган бўлсада, ишнинг уларга оид қисмида енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланганлиги сабабли ишнинг Н.Отажанов ва Д.Отажановларга оид қисмини ҳам муҳокама қилиб, уларнинг айбидан 228-моддаси 3-қисми билан кўйилган айбловни ва шу модда билан тайинланган жазони чиқаришни лозим топади.

Биринчи босқич суди томонидан Н.Отажановнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192<sup>9</sup>-моддаси 1-қисми, 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари билан, Д.Отажановнинг жиноий ҳаракати ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Биринчи босқич суди Б.Сабилов, Н.Отажанов ва Д.Отажановларга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги тушунтиришларига амал қилиб, уларнинг шахсини, оилавий аҳволини, етказилган зарарни қопланиш даражасини, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, айбни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олган ҳолда ҳар бирига индивидуал тарзда ёндошиб, қонуний ва адолатли жазо тайинлаб, тўғри ҳулосага келган.

Бинобарин, кассация судлов ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 506, 509- моддаларини кўллаб

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қўшқўпир туман судининг 2016 йил 26 декабрдаги ҳукмининг Б.Сабилов, Н.Отажанов ва Д.Отажановларга оид қисми ўзгартирилсин.

Сабилов Баҳодир Хайитбоевич (Sabirov Bahodir Hayitboyevich)га кўйилган айблов бўйича яъни Қўшқўпир туман “Ободонлаштириш” бошқармаси билан 10.03.2014 йилда тузилган 2-сонли пудрат шартномасига асосан туманнинг “Ғозовот” қишлоғи Янгилик маҳалласининг ички хўжалик 0.5 км йўлни жорий таъмирлаш учун объектга 12.03.2014 йилдаги 8-сонли шартномага асосан Қўшқўпир ТЙХПТФКга қарашли асфальтобетон заводида

асфальтобетон маҳсулотларига меъерий ҳужжатларда белгиланган қоришмаларни етарли даражада қўшмасдан тайёрлатиб олиб, ушбу асфальтобетон маҳсулотларини объектга ётқизганлиги натижасида 11 млн. 483 минг 578 сўмлик маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда эълон қилинган айб эпизодида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 83-моддаси 2-қисмига асосан оқлансин.

Сабилов Баҳодир Хайитбоевичга ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан қўйилган айблов ва шу модда билан тайинланган жазо чиқарилсин.

Б.Сабиловга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “г” банди ҳамда 228-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган узил-кесил жазо 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Отажанов Назирбай (Otajanov Nazirbay)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан қўйилган айблов ва шу модда билан тайинланган жазо чиқарилсин.

Н.Отажановга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192<sup>9</sup>-моддаси 1-қисми, 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а, б” бандлари билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган 9.116.800 сўм жарима жазоси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Отажанов Дилшод Назирбаевич (Otajanov Dilshod Nazirbayevich)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан қўйилган айблов ва шу модда билан тайинланган жазо чиқарилсин.

Д.Отажановга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ҳамда 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Қўшқўпир туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ободонлаштириш” бошқармасига нотўғри тўланган 11.483.578 сўм пул судланган Сабилов Баҳодир Хайитбоевичга қайтариб берилсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Кассация шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Раислик этувчи	имзо	Б.Умаров
Ҳайъат судьялари	имзо	Р.Камалова
	имзо	Ш.Раззаков

Аслига тўғри

